SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 4-OKTABR ■ SHANBA ■ 117 (27.137) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

«ЧИМЁН»ДА ТУРИБ АМЕРИКАГА БОҒЛАНАДИ

Чирчиқ шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Чирком» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси Бўстонлиқ туманида ҳам алоқа хизматини йўлга қўйишда фаол иштирок этаётир. Алоқачилар томонидан Чимён дам олиш мажмуаси тўла телефонлаштирилди. Мажмуада 500 рақамга мўлжалланган янги замонавий автоматлашган телефон станцияси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Эндиликда дам олувчилар дунёнинг исталган нуқтаси билан телефон алоқаси хизматидан фойдаланиш имконига эга бўлдилар.

Соҳибжон САЛИМОВ

МУЛОҚОТ

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Шайхонтоҳур академик лицейида Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари ҳамда Ўрта махсус касб-ҳунар таълими марказининг хорижий ва республика оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокидаги очиқ мулоқоти бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказилган мазкур тадбирда республика олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Руломов, халқ таълими вазири Р.Жўраев ва бошқа мутасаддилар мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, бугунги кунда республика таълим тизимида кечаётган муҳим ўзгаришлар хусусида маъруза қилди.

Мустақилликка эришган дастлабки палладаноқ республикамизда таълим соҳасини жаҳон талаблари даражасига кўтариш ва ёш авлодга замонавий билимларни пухта эгаллаши учун имкониятлар яратишга катта аҳамият берилди. Бугунги кунга келиб мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида амалга оширилаётган ўқув жараёни мамлакатимизда таълимнинг сифат босқичига кўтарилаётганидан далолат беради.

Матназар ЭЛМУРОДОВ

АМПУТАНТ — НОГИРОНЛАР ЎРТАСИДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА VI ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ВА МЕҲМОНЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Барчангизни — меҳмондўст Ўзбекистон диёрида илк маротаба ўтказилаётган чемпионат қатнашчилари, ташкилотчилари ва меҳмонларини қутлаш менга катта мамнуният бахш этади.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтишни истардимки, ўзбек халқи ўзининг асрлар мобайнида қарор топган ва мустақиллик йилларида ривожланган меҳр-шафқат ва бағрикенглик анъаналари билан шуҳрат қозонган.

Биз спортни ривожлантиришга, спортчиларимизнинг мусобақаларда иштирок этишига алоҳида эътибор бериб, халқаро чемпионатларни ташкил этар эканмиз, сизларнинг бугунги чемпионатингиз, умуман спорт, мусобақа майдонларидаги беллашувлар руҳи тинчликни ҳамда инсонлар ўртасидаги ўзаро ҳурматни мустаҳкамлашини яхши биламиз.

Бизнинг мамлакатимиз бундай мусобақалар ташкил қилишга ҳамиша эътибор берган ва катта эътибор бериб келмоқда ҳамда икки маротаба олтин ва кумуш медалларни қўлга киритган ўз футболчиларининг ютуқлари билан фахрланади.

Давлатимиз ҳақли равишда эзгулик ва меҳр-шафқат ғалаба қозонадиган шундай мусобақалар ўтказиладиган марказларнинг бирига айланиб бораётганлигини кўриш қувонарлидир.

Азиз мусобақа қатнашчилари!

Сизлар барча қийинчиликларга, синов ва машаққатларга қарамай, ҳаётий куч, ғалаба иштиёқи, келажакка ишонч каби — ҳурмат ва таҳсинга лойиқ фазилатларни сақлаб қолдингиз. Сизлар чинакам мардлик ва матонат намунасидирсизлар.

Сизларга — турнир қатнашчиларига — спортда муваффақиятлар ва омонлик тилайман. Қадимий ва меҳмондўст Ўзбекистон заминида ўтказган кунларингиз қалбингизда ғоят самимий ва унутилмас таассуротлар қолдиришига астойдил ишонаман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасида БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА) билан ҳамкорликда ўсмирлар репродуктив саломатлигини сиёсий ва ижтимоий нуқтаи назардан қўллаб-қувватлашга қаратилган қўшма лойиҳани амалга ошириш мақсадида ташкил этилган Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг йиғилиши бўлиб ўтди.

Олий Мажлис депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, давлат ва нодавлат ташкилотлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган йиғилишни Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Руломова бошқарди.

Йиғилишда таъкидланганидек, мамлакатимизда аҳоли, жумладан, хотин-қизлар ва ёш авлод саломатлигини янада яхшилаш, уларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бунда давлатимиз раҳбари фармонлари, ҳукумат қарорлари дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 25 августдаги «Ниҳоланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги» қарори бу борада яна бир муҳим қадам бўлди.

Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Аҳолишунослик жамғармаси томонидан амалга оширилаётган лойиҳа мақсади ҳам соғлиқни сақлаш, репродуктив саломатлик борасида олиб борилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш ҳамда бу йўналишда парламент аъзолари ва «Маҳалла» жамғармаси билан яқин ҳамкорликда иш юритишдан иборат.

Зуҳра УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Маҳсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!

ХОРИЖГА ҲАМ ЙЎЛ ОЧИЛДИ



«Қашқадарёмармар» ҳиссадорлик жамиятининг Китоб шаҳри корхонасида ранг-баранг беқасам мисоли, боғлар, дарёлар ва қорлар рангига монанд мармартош маҳсулотлари кўплаб ишлаб чиқарилмоқда.

— Корхонамиз олтмиш тўққизинчи йил ташкил топган, — дейди жамият раиси Мейлик Бурхонов. — Эски ускуналар билан ишлаш оғир эди. Жамиятимизни ривожлантириш режаси инвестиция дастурига киргач, каттагина кредит ажратилди. Италиянинг «Тема фругли» фирмасининг ускуналарини олиб келиб ўрнатдик. Энди корхонадагина эмас, конларда ҳам мармар харсанглар олмос арралар ёрдамида кесилмоқда.

Ҳозир бир йилда 60 минг квадрат метргача мармар плиталари тайёрлаш қувватига эгамиз. Юзлаб қурилиш ташкилотларида мижозларимиз бор. Яқиндан бошлаб четга — Москва шаҳрига ҳам мармар жўнатиш учун 85 минг АҚШ долларига тенг миқдордаги маҳсулот учун шартнома туздик. Бу — насиб этса, хорижга ҳам йўл очилди, дегани...





Суратларда: 1. Жамият раиси Мейлик Бурхонов ва ишчи Абдуғафур Суяров маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда. 2. Илғор ишчи Ш.Ярматов иш устида. 3. Корхона маҳсулотлари. 4. Мармар цехида иш қизғин.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ТАҚСИМОТ ТАРОЗУСИ?!..»

Шу йилнинг 22 июль куни газетамизда мазкур сарлавҳа остида босилган мақолада қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган техникани ёнилғи-мойлаш ашёлари билан таъминлашда йўл қўйилаётган камчиликлар танқид ва таҳлил қилинган эди. Яқинда мутасадди идора ва ташкилотлардан жавоб мактублари олдик.

Республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги: «...Республика Вазирлар Маҳкамасининг шу йил январь ойидаги «Қишлоқ хўжалик корхоналарни молиявий барқарорлаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан 2003 йилнинг 7 ойи мобайнида Тошкент, Сирдарё ва Хоразм вилоятлари бўйича жами 18989,1 тонна дизель ёнилғиси ва 1356 тонна автобензин лимитлари «ажралиш далолатномалари»га асосан Республика деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси ҳисобига ўтказиб берилди.

Аммо, вазирлик Республика ДФХУга йўллаган 2003 йил 11 июндаги хати билан фермер хўжаликларини ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари билан таъминлашда узилишларга йўл қўймаслик мақсадида тақдим қилинадиган «ажралиш далолатномалари»га асосан зарурий миқдордаги ёнилғи лимитлари ўз вақтида фермер хўжаликлари ҳисобига ўтказиб берилишини маълум қилганига қарамай, қолган вилоятлар бўйича, шу жумладан, газетада кўрсатилган Қорақалпоғистон Республикаси бўйича «ажралиш далолатномалари» ва бошқа тегишли ҳужжатлар Республика ДФХУ томонидан вазирликка шу кунгача тақдим этилмаганлиги аниқланди.

Ҳозир тизимдаги ширкат хўжаликлари негизида ташкил этилаётган янги фермер хўжаликларини ёнилғи билан таъминлашда узилишларга йўл қўймаслик мақсадида, вазирлик томонидан вилоят Қишлоқ ва сув хўжалик бошқармаларига вилоятлардаги ДФХУлари билан биргаликда, меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда «ажралиш далолатномалари»ни расмийлаштириб, вазирликка тақдим этиш тўғрисида тегишли кўрсатмалар берилди ва унинг бажарилиши назоратга олинди.

Аркадий НИСНЕВИЧ,
Сув хўжалиги Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, вазир ўринбосари»

Ўзбекистон Республикаси деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси: «Аччиқ, аммо очиқ гаплар» рукни остида босилган мақола шу йилнинг 28 июль куни уюшманинг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилинди. Бу каби камчилик ва муаммолар бошқа туманларда ҳам учраши мумкин. Шу муносабат билан йиғилишда жойлардаги вилоят ва туман вакилликларининг масъулиятини ошириш, фермер хўжаликларига ёнилғи тақсимоти ва етказиб берилишида узилишларга йўл қўймаслик, камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ҳамда мақоланинг кенг муҳокама қилиниши юзасидан барча вилоят вакилликларига хат тайёрлаш, жўнатиш уюшманинг таъминот бўлимига юклатилди.

Мақола Қорақалпоғистон Республикаси вакиллигининг кенгайтирилган йиғилишида туман идоралари директорлари, уларнинг мутасадди ходимлари ва Тўрткўл нефть базаси фонд бўлими бошлиғи иштирокида муҳокама қилингани ҳақида жавоб хати олинди. Йиғилиш қарорига асосан Тўрткўл тумани вакиллиги директори ишдаги жиддий хатолари, вазифасига нисбатан масъулиятсизлиги ва лоқайдлиги учун эгаллаб турган вазифасидан озод этилди.

Шунингдек, тайёрлов-таъминот ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш ҳажми ва сифатини ошириб бориш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда туман вакилликларининг масъулиятини ошириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши белгиланди.

Эгам ҚУРБОНОВ,
Уюшма раисининг биринчи ўринбосари»

«Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компанияси: «Мақолада тилга олинган «Дониёр» фермер хўжалигининг 9 ойлик ёнилғи фонди 4,12 тонна бўлгани ҳолда шу вақтгача 4,08 тонна, «DEV'S» фермер хўжалигининг фонди 2,1 тонна бўлиб, амалда 2,313 тонна ҳамда «Хива» фермер хўжалигининг фонди 10,13 тонна бўлган ва шундан 10 тонна ёнилғи олган. Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, мазкур хўжаликларга фондни тарқатишда туман деҳқон ва фермер хўжаликлар уюшмаси томонидан уларнинг эҳтиёжи тўлиқ ҳисобга олинмаган. Шунингдек, об-ҳаво ноқулайликлари натижасида ғўзани қайта экиш, қўшимча ишлов бериш учун ёнилғи сарфлари назарда тутилмаган. Бу эса, ўз навбатида деҳқон-фермер хўжаликларининг ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминланишида муаммоларни келтириб чиқарган.

Мақолада қайд этилган камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилишида айбдор мутасадди ходимлар огоҳлантирилди. Жумладан, Тўрткўл нефть базасининг шу йил 25 июлдаги буйруғи билан деҳқон-фермер хўжаликлари раҳбарларига фонд интизоми ҳақида вақтида тушунча бермаганлиги ва улар билан ишлашда совуққонликка йўл қўйганлиги учун фонд бўлими мутахассиси Б.Бобожоновга ҳайфсан эълон қилинди. Деҳқон-фермер хўжаликларига хизмат кўрсатишда камчиликларга йўл қўйиб, хизмат вазифасини тўлиқ бажармаганлиги учун Пахтаобод ФАЁҚШ бош оператори С.Дўстхўжаевга ойлик маошининг 30 фоизи миқдорида жарима солинди.

Тўрткўл нефть базаси унитар корхонаси директори вазифасини бажарувчи А.Саъдуллаев мақолада тилга олинган камчиликларга йўл қўйганлиги учун «Ўзнефтмаҳсулот» АК Назорат-тафтиш бошқармасининг мазкур корхона молиявий-хўжалик фаолияти бўйича ўтказган текшируви натижаларига кўра эгаллаб турган шахслар лавозимидан бўшатилди.

Тўрткўл нефть базаси масъул ходимлари тумандаги деҳқон-фермер хўжаликларини ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш ишини яхшилаш мақсадида туман деҳқон ва фермер хўжаликлар уюшмаси билан ҳамкорликда бевосита деҳқон-фермерлар билан учрашиб, муаммоларни атрофлича ўрганиб, камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқди.

Компания томонидан деҳқон-фермер хўжаликларининг нефть маҳсулотлари билан узлуксиз таъминланиши устидан доимий назорат ўрнатилди.

Алижон АҲМЕДОВ,
Бош директор».

Қарор ва ижро

БОЛАЛАРИМИЗ СОҒЛОМ, МИЛЛАТИМИЗ БАҚУВВАТ БЎЛСА

ҲАЁТ СИНОВЛАРИ ВА ҚИЙИНЧИЛИКЛАРИДАН ҚЎРҚМАЙДИГАН, ИРОДАСИ МУСТАҲКАМ БЎЛСА, ЭНГ МУҲИМИ ШУ!

Бундан тўрт ой илгари — 4 июнь куни Оқсаройда Президент Ислом Каримов раислигида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтган эди.

Унда болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятига танқидий нуқтаи назардан баҳо берилиб, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар чуқур таҳлил этилиб, навбатдаги режалар белгилаб олинганди. Ҳар бир мутасадди идора ва ташкилот зиммасига аниқ вазифалар юклатилганди. Жумладан, давлатимиз раҳбари жамғарма зиммасига жойларда ишламай турган спорт иншоотлари билан боғлиқ барча муаммоларни ўрганиб чиқиб, уларнинг ечимини топиш ва ҳал этиш, мавжуд спорт иншоотларини тўғри ишлатишни таъминлаш бўйича махсус комиссия тузиш юзасидан кўрсатма берган эди.

Мана, орадан тўрт ой вақт ўтди... Белгиланган вазифалар ижроси қандай бўлаяпти?

4-бет

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

O'ZBEKISTON XAVO YOLLARI TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

БИЗНЕС БАНК ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

ЎзХДҒ МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

● Бошланғич партия ташкилотлари фаоллигини ошириш масаласи Ўзбекистон ХДПнинг барча даражадаги ташкилотлари диққат марказида бўлмоқда. Жумладан, **партия Сирғали туман кенгашининг** пленумида бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг мавқеини янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. Унда партия кенгаши аъзоларидан ташқари, БПТ етакчилари, маҳаллалар оқсоқоллари иштирок этдилар. Йиғилишда ташкилий масала ҳам кўрилиб, З.Ҳакимова туман партия кенгаши котиби этиб сайланди. Тадбир сўнггида Тошкент давлат юридик институти ўқитувчиси С.Хидиров билан суҳбат ташкил қилинди. Суҳбат мамлакатимизда амалга оширилаётган парламент ислоҳотларида Ўзбекистон ХДПнинг ўрни ҳақида борди.

● **ХДП Учқўрғон туман кенгаши**нинг пленумида ташкилий масала кўрилди. Дилшод Зайниев туман партия кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди. Йиғилишда ХДП Наманган вилоят кенгашининг биринчи котиби М.Абдуллаева, туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Б.Охуновлар иштирок этиб, партия фаоллари олдида турган муҳим вазифалар хусусида сўзладилар.

● **Гулистон шаҳар партия ташкилоти** негизида шаҳар ва туман партия кенгашлари биринчи котибларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбир ҳудудий партия гуруҳлари фаолиятини йўлга қўйиш бўйича шаҳар партия кенгашининг иш тажрибасига бағишланди. ХДП Гулистон шаҳар кенгаши биринчи котиби Қ.Юсупалиев партия ҳудудий гуруҳлари фаолияти ҳақида гапириб, МКнинг бу хусусидаги қарори бўйича амалга оширилаётган ишларга алоҳида тўхталиб ўтди. Тадбир иштирокчилари — партия фаоллари мазкур масала бўйича фикрлашдилар. Йиғилиш сўнггида иштирокчилар билдирган таклиф ва мулоҳазалар асосида тегишли вазифалар белгилаб олинди.

● **Чуст туман партия кенгаши**да ўтган навбатдаги тадбирда жойларда 2004 йил учун ХДП марказий нашрларига обунани уюшқоқлик билан ташкил этиш, оммавий-сиёсий, маданий-маърифий тадбирларни ўтказишда партия ташкилотлари ҳамда фаоллари олдида турган муҳим вазифалар ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

● Худди шундай йиғилишлар **ХДП Гулистон, Янгиер шаҳар, Боёвут туман кенгашлари**да ҳам бўлиб ўтди ва уларда тегишли масалалар муҳокама қилинди.

● **Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши** Оҳангарон туман партия ташкилоти негизида шаҳар ва туман партия кенгашлари етакчилари иштирокида 2004 йил учун партия марказий нашрларига обуна мавсумини муваффақиятли ўтказиш юзасидан вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказди. Унда Ангрен, Оҳангарон шаҳар, Оҳангарон, Пискент туман партия кенгашлари биринчи котиблари Б.Йўлдошев, А.Акбаров, Қ.Саидов, Д.Комилова ҳамда Оҳангарон туманидаги йирик БПТ етакчилари М.Аҳмадхонова, Р.Топиловлар ўз фикр-мулоҳазалари, тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Тадбирда Тошкент вилоят партия кенгаши биринчи котиби С.Аъзамов сўзга чиқди. Йиғилиш иштирокчиларини Оҳангарон тумани ҳокими М.Мирзабоев қабул қилиб, туман ижтимоий-иқтисодий ривожи, меҳнаткашларни ислоҳотларни амалга оширишдаги иштироки ҳақида гапириб берди.

ХДП хабари

ЎҚУВ СЕМИНАРЛАРИ ЎТКАЗИЛМОҚДА

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси қарорига мувофиқ, ХДП Нукус, Тахиатош шаҳар, Тўрткўл, Беруний, Элликқалъа, Чимбой, Кегайли, Хўжайли, Қораўзак туман кенгашларида «Парламент ислоҳоти ва бошланғич партия ташкилотларининг вазифалари» мавзусида ўқув семинарлари ўтказилди. Уларда ХДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши котиблари ва маҳаллий кенгаш котиблари маъруза қилдилар. Ўқув семинарларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XII сессияси якунлари, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши V пленуми қарорларини бажариш, сайлов округларидаги партия гуруҳларининг фаолиятини жонлантириш тўғрисида гуруҳ раҳбарлари, ХДПдан сайланган депутатлар, партия фаоллари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Ўқув семинарларида шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари иштирок этдилар.

Алписбай ИБОДУЛЛАЕВ

Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллиги олдидан

ДИЙДОР ЭШИК ОЧМОҚДА ХОЖАИ ЖАҲОНДА

Аллоҳ назари тушган қадим Бухоро бугун катта тўй тадоригини кўрмоқда. Яқин кунлар ичида мусулмон оламининг фахри, улуғ пир, қуддиса сирриҳу — Хожаи Жаҳон номи билан бутун дунёга машҳур Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳазратларининг 900 йиллиги кенг нишонланади. Шу боис бугун дийдор эшик очмоқда Хожаи Жаҳонда. Катта, савобли ишлар қилинмоқда Ғиждувонда.

Ҳеч кимга сир эмас, истиқлолгача Хожагон силсиласи сарҳалқаси, буюк донишманд, Ислом оламида Хожаи Жаҳон номи билан машҳур, мероси бутун инсоният тарихи ҳамда маънавият мулкига айланган бобомизнинг хоки топталган, руҳи безовта қилинганди. Ҳатто, ул зот хилқат топган мукаррам замин атрофи қаровсиз ҳолга келтирилган эди. Истиқлол туфайли, мустақиллик шарофати ила буюк бобомиз олдидаги фарзандлик қарзимиз узилмоқда. Юртбошимиз раҳнамолигида пирларимиз ҳурмати жойига қўйилмоқда. Ана, бугун Ғиждувондаги ишлар кўлами ушбу иззат-икром, меҳр-муҳаббатнинг рамзи сифатида намоён бўлмоқда.

Илгариги эски бозор ўрнида бугун улуғ пирнинг зиёратгоҳига олиб борувчи чиройли йўлаклар, хиёбону гулзор, фавворалар қисқа ойларда бунёд этилганига ақл бовар қилмайди. Ахир, бу ердан озмунча тупроқ ташиб чиқарилмадими? Иш кечаю кундуз, ҳатто чироқлар ёруғида ташкил этилди. Бир-бирини такрорламайдиган хиёбонлар ғиждувонликларнинг нақадар меҳрибон ва меҳмонсеварлигидан, ул зотга ҳурмати баландлигидан сўзлайди. Минг ишчига бир бошчи дегандек, туман ҳокими Толибжон Қудратов бошчилигидаги штаб аъзолари минглаб савобли ишга қўл урганларнинг бошини қовуштирдилар.

— Ғиждувонликларга ҳурматим баланд, — дейди туман ҳокими. — Катта тўйга тайёргарлик жараёнида ёшу қари юбилейга муносиб ҳисса қўшишга интилди. Орияти баланд, ғурур-ифтихори осмон қадар юксак қобилу фозил фарзандлар ана шу юртнинг фахридир. Бу йил бутун вилоят аҳолиси қалбида гул унади. Ахир, бобомиз қалбимизни аллақачон илоҳий ишққа тўлдирган, насиҳатлари эса фаолиятимизда асқотмоқда-да!

Хиёбону йўлаклар бўйлаб юрарканмиз қорачадан келган, ўрта бўй йигитнинг бир гуруҳ одамларга иш буюраётганини кўрдик. У ўзини вилоят ўрмон хўжалиги бошқармаси бўлим бошлиғи Ойбек Қаҳрамонов деб таништирди.

— Мана шу саккиз гектарлик майдоннинг бир гектарида яшил ўтлоқ барпо этдик, — дейди у мамнун ҳолда. — Бобомиз хилқат топган дахма атрофига қаранг, қандай чиройли. Бир сўз билан айтганда ҳозир ҳаммаси бўлиб бир миллион дона ҳар хил манзарали дарахт, гул кўчатларини ўтказяпмиз. Ахир, юртимиз гўзаллигини юбилейга келадиган меҳмонлар бир кўриб қўйсин, деймизда.

Юбилейга таёргарлик ишларида йўлсозлар, нурчилар ҳам фаоллик кўрсатмоқдалар. Ғиждувон туман автомобиль йўллари бошқармаси ходими Қурбон Холовни суҳбатга тортдик.

— Йўллар шаҳар кўркини белгилайди, — дейди у кулиб, — Биз 27 километр йўлга асфальт ётқизяпмиз. Йўл атрофларини ободонлаштириш ниҳоясига етди. Ҳ.Қурбонов, С.Тошев, А.Бахромов, С.Низомов, Н.Сайфуллаев сингари йўлсозлар алоҳида жонбозлик кўрсатишмоқда.

«Ғиждувон электр тармоқлари» корхонаси бошлиғи Мардон Очиловнинг таъкидлашича, Абдулхолиқ Ғиждувоний шоҳ кўчасида 100 та замонавий ёритгичлар ўрнатилибди. Улуғбек мадрасаси, масжид, Ибн Сино хиёбонлари ҳам тунда турли рангда товланади чироқлар шуъласида. Ҳа, Ғиждувон нурга чўмиладиган онлар яқин.

Юришда давом этдик. Хожаи Жаҳон ётган нурли макон устида ажойиб мақбара бунёд этилмоқда. Уни Навоийдаги «Меъмор» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти жамоаси қурмоқда. Даҳма устида ўн устунли гумбаз ўрнатилган. Устунлар ўймакор, гумбаз устига ўзидан нур таратадиган плита ёпиляпти. Иш юритувчи Олим Саидов, ёғоч ўймакорлиги устаси ака-ука Наби, Бобур Саидовлар, Азим Расулов, пайвандлаш ишларини бажараётган Карим Авезов, Шерали Тўқов ва бошқаларнинг чеҳрасида улуғ ишга камарбасталик масъулияти, қувончидан мамнунлик ҳиссини туйдик.

Мақбаранинг қибла томонида 1433 йилда Улуғбек томонидан қурдирилган мадраса қайта таъмирдан сўнг асл ҳолига қайтганини кўриб қувондик. Мадрасани ёшартиришда Шаҳрисабздаги «Меросъ» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг қўли гул усталари бор маҳоратларини ишга солганликлари кўриниб турибди, тасанно дейсиз.

— Илгари Ғиждувоний ҳазратлари ҳақида ҳеч нарса билмасдим, — дейди жамиятнинг иш бошқарувчиси Бозор Ботиров. — Шу ерга келиб пиру комилнинг ҳаёти, ижоди ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлдим. Яна бир гапни айтай: Ғиждувонликлар уйқудан кўз очибоқ, бу ерга зиёратга келишаркан. Бутун халқ ҳашарга чиққан.

Дарҳақиқат, таъмирлаш ишлари давом этаётган бўлсада, бу жойдан зиёратгоҳга келувчиларнинг қадами аримайди.

— Биласизми, — дейди шу ерда қурилаётган масжид ганчкорлик ишларини бажараётган самарқандлик уста Амриддин Нажмиев, — бу ерга келиб руҳим енгил тортди. Бундан олдин Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Имом ал-Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний, Абу Мансур Мотуридий мажмуаларини таъмирлаш ҳамда бунёд этишда ҳам қатнашганман. Аммо, бу ерда мен ўзимда ўзгача кайфият ва ғайратни ҳис этдим. Ўғлим Жаъфарни айтмасам ҳам бўлади. Мактаб очилгунча бир зум ҳам ёнимдан нари жилмади. Бобокалонимизда буюк хислатлар борлигини эшитгандим. Мана, ғиждувонликлар билан бўлган суҳбатда яна бир бор бу карматли зотга ихлосим ошди. Насиб этса, катта тўйда қатнашаман.

Дарвоқе, қўқонлик уста Аббосхон Нишонов, Шариф Нишонов, Ҳомиджон Эргашев, Элёр Қурбонов ҳамда эрта тонгдан зиёратгоҳ ободончилиги учун ҳисса қўшаётган ҳар бир инсон хоҳ у ёш, хоҳ қари — ҳаммасининг юз-кўзида мамнуният кўрасиз ва бехос Яратганга шундай дориломон кунларга етказганига шукроналар айтасиз. Ҳазрат ўзлари қурдирган тош қудуқдан бир пиёла сув ичиб, кечагина кўзи очилган ҳовуздаги сувга боқсангиз ўзингизни қушдай сезасиз. Манзилга қараб юрсангиз Ғиждувон шаҳригина эмас, балки барча қишлоқлар, хонадонларда байрамга тайёрланаётганини, катта йўл атрофидаги гулзорлар эрта-индин сизни яна дийдорлашувга чорлаётганини ҳис этасиз.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири





ЭКСПОРТ — ИҚТИСОДИЁТДА ОЙДИН ЙЎЛ

Намангандаги «Поп ФЕН» ўзбек-турк қўшма корхонасида ҳеч бўлганмисиз? У ерда дастгоҳларни моҳирлик билан бошқараётган маҳаллий йигит-қизлар билан суҳбат қурганмисиз? Бу ерда яратилган қулай меҳнат шароитию ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий муҳофазаси билан танишсангиз беихтиёр уларга ҳавас қиласиз. Яна... на маҳсулот сифатига, на ишлаб чиқариш ҳажмига гап топа оласиз...

— Ойлик маошимиз мўмайгина. Шароитдан кўнглимиз тўқ, — дейди корхона ип йигирувчиси Муҳайё Эгамназарова. — Хорижий дастгоҳлар ишимизга ҳам унум, ҳам сифат бағишлаяпти. Ошхона, чойхона, дам олиш жойлари — ҳаммаси бор. Мукофот пуллари олиб турибмиз. Ишга келиб кетишимиз учун транспорт хизмати бепул...

— Йилнинг ўтган ойлари кўрсаткичлари чакки бўлмади, — суҳбатга қўшилди корхона бош директори ўринбосари Жўрахон Дадаханов. — Масалан, биринчи ярим йилликнинг ўзида 2005 тонна калава ип ишлаб чиқариб, 2002 йилнинг шу даврига нисбатан 103,2 фоиз ўсишга эришдик. Аникроғи 3 миллиард 504 миллион 268 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардик.

Энг муҳими, иқтисодиётнинг ойдин йўли — экспортга кенг йўл очди, — давом этди у. — Унинг ҳажми 2 миллион 627 минг АҚШ долларига тенг миқдорни ташкил этди. Бошқача айтганда, олдинги йилга қараганда 137,6 фоиз ўсишга муваффақ бўлиб, экспорт ҳажмини 81 фоизга етказдик.

Экспорт, биласиз, бу — валюта, бойлик дегани. Мамлакатимиз иқтисодиётига валюта қанчалик кўп кирса, турмуш ҳам ўз-ўзидан шунчалик тотли ва фаровон бўлади...

Замон АЛИ



Суратларда: илғор йигирувчи Муҳайё Эгамназарова; цехлардан бирида меҳнат лаҳзалари; қўшма корхона бош иншооти.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар.

«ТАҲРИР» ОРТИДАГИ

СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ БУЙРУҒИНИНГ СУД ТОМОНИДАН УЧ БОР «ТАҲРИР» ҚИЛИНИШИ-Ю, НАТИЖАДА ШАПАЛОҚДЕК БУЙРУҚДАН

Мавзуга қайтиб

Бир мавзуга таҳриятнинг уч марта қайтиши кам кузатиладиган ҳолат. Аммо Солиқ қўмитаси буйруғининг суд залида бир эмас, икки эмас, уч марта «таҳрир» қилиниши ҳам ғайриоддий ҳол.

Шу маънода бу мавзуга учинчи марта қайтаётганимиз кимларнингдир олдида масъул ёки манфаатдор бўлганлигимиздан эмас, балки инсон шаъни ва қадр-қиммати, адолат ва қонун устуворлиги ҳаққи-ҳурматидандир.

Эшитинг.

Давлат Солиқ қўмитасининг (ДСҚ) солиқ соҳасидаги ҳуқуқ бузилишларга қарши курашиш бош бошқармасида (ССҲБҚКББ) тезкор бўлим бошлиғи бўлиб ишлаётган Хотам Ортиқов 2001 йил 12 февралдан бошлаб Қашқадарё вилояти ССҲБҚКБ бошлиғи вазифасини бажариш учун юборилди. Янги раҳбар ишга енг шимариб киришди: қисқа муддатда давлат ғазнасига 2,5 миллиард сўмга яқин пул тушди. Бу ўтган бир йилга нисбатан 157 фоизга кўп (!) эди. Бундан ташқари, қўшимча солиққа тортилиши лозим бўлган катта миқдордаги база топилди. Вилоят солиқ бошқармаси, ИИБ, прокуратура ва Марказий банкнинг вилоят бошқармаси билан биргаликдаги фаолият вилоятдаги пул эмиссиясининг бир мунча камайишига олиб келди.

Вилоят ССҲБҚКБ фаолияти катта-кичик идораларда эътироф этила бошланди. Молия вазирлиги ҳамда ДСҚ ходимларидан иборат гуруҳ бошқарманинг ҳуқуқбузарликларни аниқлаш борасидаги фаолиятининг самарадорлиги 221,7 фоиз ўсганлигини қайд этган бўлса, 3-4 ой ичидаги бундай ютуқлар шахсан Солиқ қўмитаси раҳбари томонидан қўмита мажлисида бошқаларга ибрат қилиб кўрсатилди. Қўмита ахборотномаларида Қашқадарё вилоят ССҲБҚКБнинг ишлари қаламга олинди.

Ҳали бу таърифу тавсифлар, эътироф ва мақтовлар совиб улгурмасданоқ, яъни 18 июнда қўмитанинг 219-сонли буйруғи пайдо бўлди: **«Х.Ортиқов бошқарма ва ДСБ ходимлари орасида ўзининг ноўрин хатти-ҳаракатлари, нотўғри бошқарув услублари билан жамоа маънавий-психологик муҳитининг кескинлашувига олиб келганлиги ҳамда жамоа орасида меҳнат ва ижро интизомини сусайтириб юборганлиги учун эгаллаб турган лавозимидан озод этилсин ва ДСҚ ихтиёрига қайтарилсин».**

Ўта ғалати, мантиқсиз ҳолат: меҳнат самарадорлиги юқори бўлган жамоанинг бошлиғи наҳотки «жамоа орасида меҳнат ва ижро интизомини сусайтириб юборган» бўлса?! Бу парадоксни тушуниб олиш учун лоақал «тартиб бор жойда иш бор» деган ақидани пучга чиқариш, «аҳиллик бор жойда барака бор» деган мақолга ишонмаслик керак. Ғалати-да, бошқарув нобоп ва жамоада муҳит ёмон бўлса одамлар ишлайдими, кўрсаткичлар юқорига чиқадими? Биз ушбулар, яъни Х.Ортиқов қанақа «муҳит»га қарши курашганлигию, қандай «муҳит» уни қабул қилмаганлиги ҳақида аввалги мақолаларимизда батафсил ёзганмиз. Шу боис бунга тўхталмай, бевосита суд идорасининг бу ҳолатга муносабати ҳақида тўхталмоқчимиз, холос.

Буйруқни нафақат ноҳақлик, балки камситиш деб билган Х.Ортиқов судга даъво аризаси киритди. Ҳисоблаб кўрилса суд жараёнида бир энлик Солиқ қўмитасининг 219-сонли буйруғи 3 марта «таҳрир» қилинибди.

Солиқ қўмитасининг Х.Ортиқовни Қашқадарё вилоят ССҲБҚКБ бошлиғи вазифасини бажаришга тайинлаш ҳақидаги 119-сонли буйруғининг ўзида англашилмовчиликлар кўп. Буйруқ ходимни вақтинча бошқа ишга юбориш ҳақида бўлиб (МКнинг 93-моддаси талаби), унинг асос қисмида **«МК 92-моддасига асосан»** деб ёзиб қўйилган. МКнинг 92-моддаси эса ходимни доимий ишга ўтказиш ҳақидадир. Хуллас, Солиқ қўмитасининг 119-сонли буйруғини Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси бошлиғи А.Рисқуллаев МКнинг 92-моддасига (чунки гап вақтинча бошқа лавозимга ўтказиш ҳақида бораяпти-да) тўғри келмаслигини таъкидлайди. «Буйруқда, — дейди А.Рисқуллаев, — ходим билан келишув бўлганлиги ва қанча вақтга ўтказилганлиги ҳақида бирор қайд, яъни муддат йўқ. Шунинг учун 119-сонли буйруқ Меҳнат Кодексининг 93-моддасига ҳам тўғри келмайди». Қаранг, Солиқ қўмитасининг бир энлик буйруғи меҳнат кодексининг бирор моддаси талабларига жавоб бермаяпти.

Аммо, буйрукдаги бу саводсизликка судьяларнинг муносабати бошқачароқ. Масалан, 2002 йил 18 январидаги ажримида Тошкент шаҳар фуқаролик ишлари судлов ҳайъат судьялари «92-модда англашилмовчилик юзасидан қўйилган» деб баҳоласа, яқинда ишни кўрган (20 май 2003 йил) Х.Ҳакимова, Ж.Мавлянова ва М.Миролимовлардан иборат Тошкент шаҳар фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати аъзолари эса 92-моддани техник хато деб ҳисоблади. Ажабо, «техник хато» ва «англашилмовчилик»лар ҳеч Ортиқовга хизмат қилмас экан-да! Бирорта судья 93-модда талаби англашилмовчилик ёки хато туфайли ёзилган, аслида Х.Ортиқов бўш — вакант ўринга қонун талаби бўйича доимий ишга юборилган бўлиши шарт, демайди негадир. Агар шундай ҳисобланса Х.Ортиқов доимий ишга юборилган ва 219-сонли буйруқ ўз-ўзидан ноқонуний бўлиб чиқарди. Шу боисми, судьялар ДСҚ буйруғининг «техник хато» ва «англашилмовчилигини» «тузатиш» га, **ДСҚ фойдасига тузатишга** мойилроққа ўхшайдилар. Барака топгурлар, бу хатоларни Х.Ортиқов эмас, айнан уларнинг ўзлари содир этишган-ку, нега энди уларнинг айблари учун Х.Ортиқов жабр кўриши керак?

Х.Ортиқов бошқарма бошлиғи вазифасига 12 февралдан юборилган дедик. У барча ҳужжатларга бошлиқ сифатида шу кундан бошлаб имзо чека бошлаган. Лекин қўмитанинг 119-сонли буйруғи 2 апрель куни чиқарилади. ДСҚнинг бу хатти-ҳаракатига Олий Суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси вазифасини бажарувчи (собиқ) Ф.Абдуазимовнинг ҳуқуқий баҳосини кўринг: **«Сиз 12 февраль 2001 йилдан бошлаб Қашқадарё вилояти ССҲБҚК бошқармаси бошлиғи вазифасида ишлаган бўлсангизда, 2001 йил 2 апрелдан 119 штсонли буйруқ билан юқорида қайд этилган бошлиқ вазифасини вақтинча бажарувчи лавозимига штат жадвалида белгиланган ойлик маош ва барча пул молия ҳужжатларига биринчи имзо қўйиш ҳуқуқи билан ўтказилгансиз...» (02.06.2003 йилги хатидан).**

Аввало, ходимни ишга юбориб, 50 кундан кейин буйруқ чиқарадиган идорада тартиб-интизом борми ўзи? Сўнгра Х.Ортиқовни камситувчи, қолаверса меҳнат қонунчилигини оёқости қилган ҳолатга ҳуқуқий баҳо ДСҚ важини қувватлаётган судлар Олий Суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги 12-сонли қарори талабини инобатга олишмаётганга ўхшайди. Унда ходим билан муддатли меҳнат шартномаси (МК 76-модда) тузишга иш муддатли характерга эга бўлганда, шунингдек, лавозим вакант — бўш бўлмаса ва вақтинча бошқа ишга ўтказиш ходимнинг манфаатига зид бўлмаган тақдирқани?

Меҳнат Кодексининг 82-моддаси талабига кўра, иш берувчи томонидан ёки унинг ижозати билан ходимга ҳақиқатда ишлашга рухсат этилган бўлса, ишга қабул қилиш тегишли равишда расмийлаштирилган ёки расмийлаштирилмаганидан қатъи назар, иш бошланган ва у билан меҳнат шартномаси тузилган ҳисобланади. Х.Ортиқовга ишлаш учун 12 февралдан рухсат берилган. 82-моддага асосан у ўша кундан бошлаб ишни бошлаган ҳисобланиши қонун талаби эмасми?!

Бу масаланинг бир томони холос. Х.Ортиқов ишга вақтинча юборилган, деганда йўл қўйилиши ҳақида гап боради.

Ваҳоланки, Қашқадарё вилоят ССҲБҚКБ бошлиғи лавозими вакант лавозим ва муддатли меҳнат шартномаси тузиш Х.Ортиқов манфаатига тўғри келмас эди. Ушбу қарорнинг 5-банди 3-қисмида «агар ходим билан тузилган муддатли меҳнат шартномаси МК 76-моддаси талабларини ҳисобга олмаган бўлса, бундай ҳолда шартноманинг муддати ҳақидаги шартлари ҳақиқий эмас деб топилади, ходим эса ишга номуайян муддатга биринчи иш кунидан бошлаб қабул қилинган ҳисобланади» дейилади.

1 2 3 4

Инсон хотираси — аззиз

МУАЛЛИМНИНГ ҲАЁТ ДАФТАРИ

УНДАГИ БИТИКЛАР АВЛОДЛАР УЧУН ИБРАТ САБОҒИДИР

Шундай инсонлар бўладики, улар ўз умрлари давомида мансаб, мартаба, бойлик, шуҳрат ортидан қувадилар. Бундайларнинг умрлари шу тахлит ўтади. Қувганлари сароб, излаганлари ёлғон, ортидан югурганлари ўткинчи дунёнинг яна битта минг биринчи ёлғони эканлигига баъзан иқрор бўлиб, баъзан бўлолмай ўтиб кетадилар. Бу ҳам умр деб аталмиш хилқатнинг сир-асрори, сабоғи бўлса керак.

Умрнинг бедор карвонида яна шундай одамлар борки, уларни на мансаб, мартаба, на дуру жавоҳир, на шуҳрат аталмиш васваса ўзига тортолмаган. Бу инсонлар бир умр эзгу ниятлар билан яшайди. Ўз ҳаётини яхшиликка, эл-юртга ҳалол хизмат қилишга бағишлайди.

Самарқандга борганимда, шаҳар маорифчиларининг сардори Абдумалик Мажидов менга ана шундай ибратли бир умр ҳақида ҳикоя қилиб берди. Бу инсон Сиёб туманидаги 21-ўрта мактабнинг собиқ директори, меҳнат фахрийси, марҳум Ҳалим Абдураҳмонов эди.

Самарқанд шаҳар халқ таълими бўлими мудири устоз ҳаётлари сўнгтида битган кундалик дафтарларини менга кўрсатар экан, ҳаяжон билан «камтарликнинг камолоти бу», — дедилар.

Дафтар саҳифаларини варақлайман. «Мен Ҳалим Абдураҳмонов 1913 йилда Қозоғистоннинг Қизил Ўрда шаҳрида деҳқон оиласида таваллуд топдим. 1930 йилда Самарқанддаги педагогика билим юртига ўқишга кирдим. 1938 йилда педагогика институтининг тарих факультетини битирдим. 1932 йилдан бошлаб Зомин туманида Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманидаги тайёрлов мактабларида ўқитувчи, директор лавозимларида фаолият кўрсатдим. Тақдир тақозоси билан Қозоғистоннинг Сайрам вилоятидаги мактабда ҳам қисқа вақт раҳбарлик қилдим. 1940 йилдан бошлаб Пайариқ туманидаги 33-ўрта мактабга директор этиб тайинландим. 1947 йилгача туман, вилоят давлат идораларида ўрта ва олий мактабларни бошқариш бўлимида фаолият олиб бордим. 1950-1965 йиллар давомида Самарқанд шаҳридаги 21-ўрта мактабда ишладим...»

Ҳалим муаллим оддий қалам билан кундалик дафтари саҳифасига муҳрлаган бу сатрлар бугун тарих мулкига айланди. У бутун ҳаётини маориф ишларини яхшилашга, ўқувчиларга билим беришга бахшида этди. Муаллимлик унга тақдир иноятн эканлигига бир умр шукрона айтди. Ҳаётини бошқа нарсаларга эмас, айнан болалар таълим-тарбиясига сарфлади.

«Ҳаётимнинг энг қизиқарли, мазмунли дамлари 14 йил давомида 21-ўрта мактабда ўқитувчилик, раҳбарлик қилган вақтларимда кечди. Бу ерда мен ажойиб касбдошларим билан ёш авлодни тарбиялашда бутун билим ва заковатимни бағишладим. Булар математика фани ўқитувчиси И.Мирмуҳамедов, физик И.Ибрагимов, филолог Е.Абдуллаева. Мен бу ўқитувчиларнинг касбига ва болаларга бўлган муҳаббатини сўз билан ифодалай олмайман...»

Олижаноб инсонлар ўз сафдошлари, елкадошларини ҳаётнинг ўзларига инъом этган туҳфаси деб биладилар. Шундан бўлса керак устоз уларнинг номларини ҳурмат-эҳтиром билан қайд этади. Ушбу мактабни тугатганлар орасидан етишиб чиққан, муаллимнинг фахру ғурурига айланган шогирдлари, собиқ ўқувчиларини ҳаяжон билан эслайди.

«Мен ва 21-ўрта мактаб жамоаси 1954-55 ўқув йилида мактабимизни олтин медаль билан битирган Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти, истиқлолимиз, мустақил давлатимиз асосчиси Ислом Каримов билан фахрланамиз...»

Аслида олий ҳакам вақт. Унинг ҳукми энг ҳаққоний ҳукмдир. Кечагина мактаб партасида ўтириб, сендан таҳсил олган ўқувчиларинг бугун ажойиб инсонлар, миллат фидойилари бўлиб етишишса... Биргина шу мактабдан бешта академик етишиб чиққан бўлса... Сени устозим деб эъзозласа... Муаллим учун бундан баланд мансаб, мартаба, бундан-да қимматлироқ дуру жавоҳир, шуҳрат, шоншараф бўлмаса керак.

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ўқитувчи» унвонига сазовор бўлдим. Мен ўзимни энг бахтли инсонлардан бири деб ҳисоблайман. Ёш авлод тарбиясига бутун куч-қудратимни бағишладим. Меҳнатларим зое кетмади. Халқимиз томонидан қадрландим.

Ушбуларни мен 1998 йилнинг 1 декабрида ёзаяпман. Ҳозирда 86 ёшни қаршиладим... Афсуски иккала кўзим ҳам анча хиралашган. Лекин мен чекинмайман...»

Орадан бир йил вақт ўтди. 1999 йилнинг 22 декабрида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримовнинг самарқандлик сайловчилар вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан Сиёб туманидаги Ислом Каримов таҳсил олган 21-ўрта мактабнинг собиқ директори, меҳнат фахрийси 87 ёшли Ҳалим Абдураҳмонов сайловчиларни Ислом Каримов номзоди учун овоз беришга чақирди.

2000 йил, 9 январь мамлакатимизда бўлиб ўтган Президент сайловида Ислом Каримов мутлақ кўп овоз билан давлат раҳбарлигига сайланди. Халқимиз ўз орзу-умидлари, ёруғ келажаги учун овоз берди. Кекса муаллимнинг ўша пайтдаги қувончининг чегараси йўқ эди. Балким унинг ҳаёт йўлида излаганлари, топганлари мана шу улкан шон, иқбол, ифтихор бўлса керак.

Орадан 18 кун ўтди. Умр шоми яқинлашган муаллим Ҳалим Абдураҳмонов 88 ёшида вафот этди. Самарқанд маорифчиларининг дарғаси, фидойи инсон орамиздан кетди.

Ўша кунлари шаҳардаги Ғиёсиддин Жамшид кўчаси 3-уйга, муаллимнинг ўғли Марат Абдураҳмонов номига ҳукумат телеграммаси келди.

«Ҳурматли укамиз Маратжон! Падари бузрукворингиз, муҳтарам Ҳалим ота Абдураҳмоновнинг вафотлари муносабати билан сизга ва оилангиз аъзоларига, барча қариндошларингизга чуқур таъзия изҳор этаман. Ҳалим ота умрини илм-маърифат йўлига бағишлаган халқимизнинг фидойи зиёлиларидан бири эди. Ўз касбига чексиз садоқати туфайли юзлаб шогирдларнинг меҳри муҳаббатига ва эл-юрт ҳурматига, эҳтиромига сазовор бўлдилар. Мен ҳам муҳтарам домладан сабоқ олган даврларимни ҳар доим мамнуният ва миннатдорчилик билан эслайман. Сизга яна бир бор чуқур ҳамдардлик билдираман. Аллоҳ таоло отангизни ўз раҳматларига олиб, жаннатдан жой ато қилган бўлсин.

Ҳурмат ва эҳтиром билан
Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом КАРИМОВ. 2000 йил 29 январь».

Муаллим ҳаёт дафтарининг мана шу саҳифасида мутолаани тугатсак. Лекин бу устоз — Ҳалим Абдураҳмонов ўз қўллари билан битган дафтарнинг сўнгги саҳифаси эмас. Уни энди ҳаётга йўлланма берган шогирдлари давом эттирадилар.

Фарруҳ ҲАМРОЕВ

АНЖУМАН

Маълумки, ижтимоий сиёсий, маънавий ҳаётимизда катта воқеа бўлган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида»ги қарори матбуотда эълон қилинган эди. Ўзбекистон мусулмонлари идораси, мутасадди ва дахлдор жамоат ташкилотлари томонидан «Дин соҳасидаги маънавий маърифий ва таълим ишларини такомиллаштириш дастури» ҳам ишлаб чиқилди. Шунингдек, ушбу мавзу доирасида ўқув семинарлар ташкил этилмоқда.

Шундай анжуманлардан бири Тошкент Ислом университетида «Республика оммавий ахборот воситаларида дин масалаларининг ёритилиши» мавзуида бўлиб ўтди. Унда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари, мутасаддилар иштирок этдилар.

Ушбу семинардан кўзланган мақсад юртдошларимиз онгида ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат туйғуларини мустаҳкамлашда диннинг ўрни ва моҳиятини кўрсатиш ҳамда бу йўналишда олиб борилаётган ишларга услубий тавсиялар беришдир.

Робия ХУДОЙБЕРДИЕВА

ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

Мамлакатимизда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик йил сайин кенгаймоқда. Буни республика деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан уюшманинг Хоразм вилоят вакиллиги Германия Федератив Республикасининг Халқаро мурувват ташкилоти — Германия Агроакциясининг Тошкентда жойлашган ваколатхонаси билан 1997 йилдан буён ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Мазкур Халқаро ташкилот Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашга 1 миллион евро миқдорида маблағ ажратган эди. Айни дамларда эса ушбу халқаро ташкилот ўзаро тузилган шартномага биноан Хоразм вилояти табиий шароитларида картошкадан юқори ҳосил олиш борасида кенг қамровли ишларни амалга ошираётир. Картошканинг юқори репродукцияли, унумли навлари далаларда экила бошлагач, вилоятда етиштирилаётган иккинчи нон ҳосили йилдан-йилга кўпайиб, бораяпти.

Ориф ЖУМАНОВ

80 миллион аёл ва бола...

Халқаро ҳамжамиятнинг фаолиятсизлиги боис, ривожланаётган мамлакатларда зўрға кун кечираётган 80 миллион аёл ва бола 2015 йилгача бўлган даврда камбағалликдан вафот этиши мумкин экан.

3 йил аввал БМТ томонидан қабул қилинган минг йиллик ривожланиш дастурининг айрим мақсадларини амалга оширишда узилишлар бўлаётганини Жаҳон банки ва Халқаро валюта фондининг хайрия ташкилотлари эътироф этдилар.

Ўшанда 2015 йилгача болалар ўлимини учдан икки қисмга камайтириш, оналар ўлимини эса учдан чорак қисмга қисқартириш борасида декларация қабул қилинган эди. Лекин, коалиция таркибига кирувчи Catholic Agency for Overseas Development ва Save the Children ҳамда Tearfund берган маълумотларга кўра, аҳвол оғир. Жумладан, ривожланаётган мамлакатларда ичак касалликлари, зотилжам ва безгак кенг тарқалиб, энг даҳшатли «қотил»га айланиб бормоқда. Бу касалликларнинг олдини олиш ва даволаш мумкин. Бунинг учун тиббий ёрдам базаси, гигиена ва тоза ичимлик суви зарур. Бироқ бундай имкониятларнинг чекланганлиги вазиятни оғирлаштириб юбормоқда. Шунинг учун ҳам хайрия ташкилотлари бу борадаги имкониятларни ишга солишга чақирилди.

Рекламага ишонмайдиганлар кўп

Яқинда Россиядаги «РОМИР — Мониторинг» тадқиқот компанияси россияликларнинг рекламага муносабатини аниқлаш мақсадида сўровнома ўтказдилар. Сўровнома 18 ёшдан ошган 1500 нафар фуқаро иштирок этди. Унинг натижалари шуни кўрсатдики, иштирокчиларнинг 33 фоизи рекламага умуман ишонмас экан. 40 фоизи эса ишонибишонмайди. Атиги 25 фоизигина бунга ишонаркан.

Сўровда қатнашганларнинг учдан икки қисми, дея ёзади «ИТАР-ТАСС» агентлиги ўз ахборотида, яъни 62 фоизи ўзига керакли маҳсулотни рекламасиз ҳам топа олишини изҳор этган. 6 фоизи эса доимо рекламадаги маслаҳатларга қулоқ «осиши»ни билдирган.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

Ўзбекистон Банклари Ассоциациясининг Универсал Биржа Маркази 2003 йил 5,12,19,26 ноябрь,3,10,17,24 декабрь кунлари Ўзбекистон Банклари Ассоциациясининг биносида соат 10.00да оферта савдоларини ўтказади.

ОФЕРТА САВДОЛАРИГА ҚЎЙИДАГИЛАР ҚЎЙИЛАДИ:

1. Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2002 йил 29 апрелдаги 10-0214/1195-сонли ҳал қилув қарори асосида банкрот деб эътироф этилган "Роз Трейдинг Л.Т.Д." хорижий корхонасининг тугатиш комиссиясининг 2003 йил 21 августдаги дебиторлар ва кредиторлар йиғилишининг баённомасига асосан "Роз Трейдинг Л.Т.Д." хорижий корхонасига қарашли бўлган Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Қатортол кўчаси, 60-уйда жойлашган бино ва иншоотлари.

Ушбу юқорида кўрсатилган бино ва иншоотлар Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент шаҳар филиали томонидан бошланғич нархи 750000000 сўмда оммавий ахборот рўзномаларида эълонлар берилиб бир неча бор кимошди савдоларига қўйилган. Лекин ўтказилган кимошди савдоларида ушбу бино ва иншоотларга ҳеч қандай харидор топилмаган.

Шу сабабли бино ва иншоотлар Ўзбекистон Банклари Ассоциациясининг Универсал Биржа Маркази томонидан оферта савдоларига қўйилмоқда.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкент ш. Шайхонтоҳур тумани, А. Хўжаев кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 138-69-70, 138-69-93.

ДИҚҚАТ АУКЦИОН!
«POYTAXT AUKSION» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

2003 йилнинг 7,14,21,28 ноябрь кунлари аукцион савдоларини ўтказади

Савдоларга Тошкент шаҳар ҳудудида якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган қуйидаги ер участкаларига эгалик ҳуқуқи қўйилади.

Мирзо Улуғбек тумани:

— Олмачи кўчасидаги ҳар бирининг майдони 0,04 га бўлган иккита ер участкаси, бошланғич нархи, — 2 288 000 сўмлан; майдони 0,02 га бўлган битта ер участкаси, бошланғич нархи — 1 144 000 сўм;

— Р.Икромов кўчасида, майдони 0,015 га бўлган ер участкаси, бошланғич нархи — 552 000 сўм.

Акмал Икромов тумани:

— Дадил ва Каримов кўчалари кесишувидаги, майдони 0,024 га бўлган ер участкаси, бошланғич нархи — 489 600 сўм;

— Уйғур кўчасида, майдони 0,04 га бўлган ер участкаси, бошланғич нархи — 544 000 сўм; майдони 0,008 га бўлган ер участкаси, бошланғич нархи — 108 800 сўм.

Шайхонтоҳур тумани Қозиробод 2-тор кўчасида майдони 0,017 га бўлган ер участкаси, бошланғич нархи — 1 360 000 сўм.

Юнусобод тумани:

— Соҳибкор кўчасида ҳар бирининг майдони 0,04 га бўлган иккита ер участкаси, бошланғич нархи — 3 760 000 сўм.

— Орифов кўчасида, майдони 0,018 га бўлган ер участкаси, бошланғич нархи — 1 252 800 сўм; майдони 0,02 га бўлган ер участкаси, бошланғич нархи — 2 088 000 сўм.

Савдолар Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16 «А» уйда ўтказилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади.

Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар Бошқармасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар бош бошқармасининг ҳисоб-касса марказидаги ФА 00014, ИНН 200950435, 21508000800448035001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мовароннаҳр кўчаси, 16 «А» уй.
Телефонлар: 133-23-40, 133-02-49.

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 120-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли хисобланади. Сўнгра чипта серияси нинг 1, 2, 3, 4 ва 5 турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.

1 Тур	43	Чипталар раками	34	**7 Тур**	80007375.2	**15 Тур**	Сони: 99
16	82	50011358.3	59	18	**10 Тур**	87	Сумма: 300
21	22	70013854.2	25	Сони: 3	2	Сони: 8	**22 Тур**
66	86	**4 Тур**	Сони: 2	Телевизор	Сони: 3	Сумма: 800	89
47	85	54	Сумма: 2500000	биттадан	Видеомагнитофон	**16 Тур**	Сони: 129
52	6	26	Чипталар раками	30003036.2	биттадан	31	Сумма: 300
76	65	12	10015160.1	60012972.1	Чипталар раками	Сони: 8	**23 Тур**
57	1	49	30015563.2	90004695.1	20004128.3	Сумма: 700	48
5	33	63	**5 Тур**	**8 Тур**	40006371.3	**17 Тур**	Сони: 254
84	Сони: 1	56	77	64	70007807.1	19	Сумма: 300
51	Телевизор	60	29	Сони: 2	**11 Тур**	Сони: 14	**24 Тур**
14	Чипта	24	Сони: 2	Видеомагнитофон	78	Сумма: 600	45
81	раками	27	Телевизор	биттадан	Сони: 5	**18 Тур**	Сони: 433
Сони: 1	10007937.3	62	биттадан	Чипталар раками	Сумма: 5000	55	Сумма: 300
Видеомагнитофон	**3 Тур**	11	Чипталар раками	70010715.1	**12 Тур**	Сони: 27	**Қўшимча Тур**
Чипта раками	79	61	20005718.3	90002164.2	28	Сумма: 500	Сони: 11
90005716.1	13	53	80009259.1	**9 Тур**	Сони: 4	**19 Тур**	Сумма: 900
2 Тур	71	41	**6 Тур**	20	Сумма: 2000	80	**Халтадан чиқмаган шарлар**
83	75	8	44	Сони: 5	**13 Тур**	Сони: 45	
38	15	3	50	Видеомагнитофон	32	Сумма: 400	
17	73	40	Сони: 2	биттадан	Сони: 5	**20 Тур**	10
4	7	23	Телевизор	Чипталар раками	Сумма: 1000	9	30
67	39	37	биттадан	10005532.2	**14 Тур**	Сони: 61	46
35	Сони: 2	70	Чипталар раками	20003572.3	42	Сумма: 300	58
74	Сумма:	69	10011794.3	50003180.2	Сони: 5	**21 Тур**	68
36	2500000	90	60008512.2	50013502.3	Сумма: 900	88	72

«Лаҳзали Яхши Ният» телеўйинида иштирок этувчи шарлар рақами: 10, 30, 46, 58, 68, 72

Тўғри келганлар сони	Ютуқ сони	Сумма
4	7	714285
3	65	1000
2	1846	300
1	19704	100

"Яхши Ният" телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2003 йил 4 декабрдаги 121- тиражида ўйналадиган супер-ютуқлар:



1 тур - ҳар бир ютуққа ВИДЕОМАГНИТОФОН
2 тур - ҳар бир ютуққа ТЕЛЕВИЗОР
3 тур - NEXIA автомобили
4 тур - NEXIA автомобили
5 тур - NEXIA автомобили
6 тур - MATIZ автомобили
7 тур - MATIZ автомобили
8 тур - MATIZ автомобили
9 тур - ҳар бир ютуққа АВТОМАГНИТОЛЛА
10 тур - ҳар бир ютуққа АВТОМАГНИТОЛЛА
ва кунлик пул ютуқлари

Ютуқлар ҳар чоршанба соат 14.00 дан кейин ютуқли чипта кўрсатилган заҳоти "Лаура" ХФ сида берилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шевченко кучаси, 8 уй. Мўлжал: "Украинка" дўкони. Тел: 8(3712) 56-25-54, 56-26-60.

Пул ютуқлари Миробод тумани Халқ банки бўлимлари ҳамда "Лаура" ХФсида ва чипта тарқатувчилар томонидан берилади.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереяси чипталарини газета дўконларидан ва чипта тарқатувчилардан олиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 27 октябрдаги 400-сонли лицензияси.

ТАҚДИР

РАҚАМ БИЛАН ИМЗО ҚОЛГАНЛИГИ ХУСУСИДА

Хўш, 119-сонли буйруқ Олий суд пленуми қарорида кўрсатилган қайси бир ҳолатга тўғри келади?

Энди «таҳрир»лар ҳақида.

Биринчи «таҳрир»: ходимнинг бошқа ишга ўтказиш муддати тугагач, қонун талаби бўйича аввалги ишига қайтиши ҳақида буйруқда кўрсатилиши керак. Агар Х.Ортиқов вақтинча бошқа ишга ўтказилган деб ҳисобланганда ҳам 219-сонли буйруқда унинг аввалги ишлаб турган лавозимга қайтарилганлиги ҳақида қайд йўқ эди.

Шунинг учун Тошкент шаҳар фуқаролик ишлари бўйича судида (2001 йил 18 январь) буйруқ қўмита томонидан «таҳрир» қилинди. Яъни **«ДСҚ ихтиёрига қайтарилсин»** жумласи **«ДСҚ ихтиёрига, олдинги эгаллаб турган ССҲБҚК Бош бошқармаси бўлим бошлиғи лавозимига қайтарилсин»** сўзлари билан тўлдирилди. Орадан олти ой ўтгандан сўнг, яъни ходимнинг тақдири аллақачон ҳал этилганидан кейинги бу қўшимчани қандай изоҳлаш керак? Шу «таҳрир» ёки қўшимчанинг ўзиёқ буйруқнинг савияси ҳақида судга маълумот бермаяптими? Аслида суд мана шунинг ўзига ҳуқуқий баҳо бериши керак эмасмиди?

Судлов ҳайъати, аксинча, қонуний кучга кирган, ходимнинг тақдирини ҳал қилиб қўйган буйруқнинг ярим йилдан сўнг, яна суд залида «таҳрир» қилинишига изн беради. Бу Х.Ортиқовнинг ҳуқуқларига нисбатан ошкора беписандликдан бошқа нарса эмасми?!

Иккинчи «таҳрир»: Олий Суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2002 йилнинг 3 май куни буйруқдаги **«ходимлар орасида ўзининг ноўрин хатти-ҳаракатлари, нотўғри бошқарув услублари билан жамоада маънавий-психологик муҳитнинг кескинлашувига олиб келганлиги»** ёзувлари меҳнат қонунларида мавжуд эмаслиги учун Олий суд раиси ўринбосари Б.Жамолов протестига асосан буйруқнинг резолюцив қисмидан чиқариб ташланди. Буйрукдаги камситувчи бурама сўзлар ҳуқуқий жиҳатдан хато бўлиб чикди. Бу иккинчи «таҳрир» эди. Шуниси ажабланарлики, меҳнат қонунчилигида юқоридаги сўзларнинг ишлатилмаслиги биринчи инстанцияда ишни кўрган Шайхонтоҳур туман суди судьяси Д.Абдиқодирова, апелляция инстанция судьялари Х.Жўзбанов, А.Усманов, Ф.Хусановалардан ўтиб-ўтиб Олий судда маълум бўлди-я! Ҳайрон қоласан киши, меҳнат қонунчилиги Олий суд билан қуйи судларда турли китоблардан кўрилармикин?

Учинчи «таҳрир»: Олий суд раисининг биринчи ўринбосари томонидан келтирилган протест асосида Олий суд раёсати 2002 йилнинг 31 октябрь куни қуйи суд қарорларини бекор қилиб, ишни биринчи босқичда янгидан кўришлик учун Тошкент шаҳар судига юборди. Биринчи инстанция суди ишни коллегияларнинг «анъанаси»дан бошлади. Судья Г.Норқулова буйруқнинг резолюцив қисмидан **«бошқарма ва ДСБ ходимлари орасида ўзининг ноўрин хатти-ҳаракатлари, нотўғри бошқарув услублари билан жамоада маънавий-психологик муҳитнинг кескинлашувига олиб келганлиги ҳамда жамоа орасида меҳнат ва ижро интизомини сусайтириб юборганлиги учун»** иборасини олиб ташлаш, лекин буйруқни бекор қилмаслик ҳақида қарор чиқарди. Айтинг ва ўқиб кўринг, буйрукда нима қолди энди?

Буйрукда Х. Ортиқовга нисбатан қўйилган айбларнинг барчаси ноқонуний эканлиги суд жараёнларида исботланди ва бекор қилинди. Бошқача айтганда, буйруқнинг тепасидаги рақам билан пастдаги имзо қолди холос. Лекин, негадир Х. Ортиқовнинг ҳуқуқи тиклан-мади?!..

Судлар мустақиллиги, аввало, қонунбузар ким ва қайси идора бўлишидан қатъи назар унга нисбатан қонуний чорани қўллай билишидадир. Ким ҳақ, ким ноҳақлигини фақатгина қонунга асосланиб айта олишидадир. Назаримизда, ушбу масалада фалон идоранинг нуфузи кўп нарсани ҳал қилаётгандай. Фуқаролик-демократик жамиятда фуқаронинг — оддий инсоннинг манфаати ҳар нарсадан устун қўйилади. Идора ёки корхонанинг нуфузи ходимнинг манфаатларига соя ташлолмайди. Ва бунга, энг аввало, адолат тарозиси бўлган суд йўл қўймайди. Чунки, оддий инсон тақдири, манфаати ортида бутун халқ ватан ва давлат манфаати ётган бўлади.

Акбар ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

5
6

Футбол

Тошкентда жаҳон чемпионати

Кеча пойтахтимиздаги «Жар» спорт мажмуида ногирон-ампутантлар ўртасида V жаҳон чемпионати бошланди.

Ҳамюртларимиз дастлабки учрашувни украиналикларга қарши ўтказишди. Қизиқарли ўтган мазкур ўйин футболчиларимиз ғалабаси билан тугади — 3:1. Тўпларни вакилларимиздан Абдижамил Шукуров (иккита), Азиз Абдураҳмоновлар киритди.

Бразилия — Россия терма жамоалари учрашувида Жанубий америкаликлар зафар қучди — 2:0. Бугун NBU спорт мажмуида ўтказиладиган иккинчи тур баҳсларида Украина — Россия, Бразилия — Ўзбекистон терма жамоалари ўзаро куч синашади.

«Пахтакор» ютқазди

Ўзбекистон XII миллий чемпионатининг 18-туридаги кечиктирилган «Сурхон» — «Пахтакор» учрашуви ўтказилди. Ўйиннинг 5-дақиқасида Баҳодир Аннаматов томонидан киритилган ягона тўп «Сурхон»га ғалаба келтирди — 1:0.

Чемпионатнинг ушбу учрашувигача пахтакорчилар бирор марта ҳам мағлубиятга учрамаганди. Аммо «Нефтчи», «Навбаҳор», «Насаф», «Қизилқум» сингари етакчи жамоалар уддалай олмаган ишни «Сурхон» бу йил икки бор амалга оширишга муваффақ бўлди. Ёдингизда бўлса, термизликлар Ўзбекистон кубоги баҳсларининг ярим финалида ҳам мамлакат чемпионини майдондан бош эгиб чиқишга мажбур қилганди — 2:1.

Ҳикматли сўзлар маъноси

Ихлос қилибсан — шифо топибсан

«Ихлос — халос»; «Ихлос қилсанг, чўпдан топарсан» (чўп — ўт, гиёҳ. «Ихлос қилсанг, чўпдан ҳам даво топасан», демоқчи). Ихлос — қатъий ишонч, бир нарсага бутун вужуди билан берилиш, демакдир. Кўп асрлик тажрибага таянган халқ табобати беморларнинг шифокорларга ва дори-дармонларга қаттиқ ишониши, ихлос қўйишини катта аҳамиятга эга деб билган. Буни илмий табобат ҳам тасдиқлайди. Масалан, биринчи рус тиббиётчи профессори М.Я.Мудров (1772-1881) шундай деган эди: «Агар касал киши билан ҳамсуҳбат бўлиб, дори-дармоннинг фойдали томонлари тушунтирилса, у дорига ихлос қўяди, руҳи тетик бўлади, дорини ихлос билан ичади. Бинобарин, касалда ҳосил бўлган ишонч, тетиклик ва умид дори кучидан афзал бўлади». Халқимиз ўртасида бир ривоят ҳам юрадики, унинг мазмунига кўра, буюк ҳаким Абу Али ибн Сино бир беморда ўзига ва дори-дармонга ихлос уйғотиб, «шуни ичсанг, соғайиб кетасан» деб, бир пиёла сув берган, бемор шундан умидланиб, «дори» (сув)ни ихлос билан ичиб, тузалиб кетган экан.

Ўзбекистон ХДП Шайхонтоҳур туман кенгаши А.Навоий номидаги адабиёт музейи директори, туман партия кенгаши аъзоси Саидбек Ҳасановга онаси

Ҳасанова Машруфа аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги «Гулистон савдо» МЧЖ жамоаси мазкур МЧЖ раҳбари Риҳситилла Убайдуллаевга ўғли

Жамшид УБАЙДУЛЛАЕВнинг

вафот этганлиги сабабли чуқур таъзия изҳор этади.

Қарор ва ижро

БОЛАЛАРИМИЗ СОҒЛОМ, МИЛЛАТИМИЗ БАҚУВВАТ БЎЛСА

ҲАЁТ СИНОВЛАРИ ВА ҚИЙИНЧИЛИКЛАРИДАН ҚЎРҚМАЙДИГАН, ИРОДАСИ МУСТАҲКАМ БЎЛАДИ, ЭНГ МУҲИМИ ШУ!



Алишер МИРҚОСИМОВ, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бошқаруви раиси:

— Республика бош вазирининг биринчи ўринбосари Козим Тўлаганов раислигида мутасадди ташкилот раҳбарларидан иборат комиссия иштирокида мамлакатдаги мавжуд спорт иншоотларини инвентаризация қилиш ва улардан унумли фойдаланиш масаласи ўрганиб чиқилди.

Комиссия мамлакатимизда 42497 спорт иншооти, шу жумладан 320 стадион, 262 очиқ ва 53 ёпиқ бассейнлар, 35668 спорт майдончалари, 6010 спорт заллари мавжуд бўлиб, уларнинг 18,9% таъмирлашга муҳтожлигини аниқлади. Шу асосда 2003 йил мобайнида 41 та спорт иншоотининг қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун маҳаллий ҳокимлик, ташкилот ва бошқа ҳомийларнинг маблағлари миқдори 1 млрд. 890 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, 1 сентябрь ҳолатига режалаштирилган маблағнинг 856,8 млн. сўми ўзлаштирилди. 14 та объект фойдаланишга топширилди. Навоий вилоятида 2 та, Наманган вилоятида 4 та, Сирдарё вилоятида 3 та ва Тошкент вилоятида 5 та объектлар шулар жумласига киради.

Республикамизнинг барча ҳудудларида режалаштирилган объектлардан ташқари яна 535 спорт иншоотлари жорий йилда таъмирланиши ва реконструкция қилиниши белгиланган. Бу ишлар маҳаллий ҳокимликлар, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ҳамда жисмоний шахсларнинг ҳомийлик маблағлари эвазига амалга оширилиши ҳамда ушбу ишларга 7,1 млрд. сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган. 2003 йил 1 сентябрь ҳолатига 3,029 млрд. сўм маблағ ўзлаштирилди. Бу умумий сарф-харажатнинг 43% ини ташкил этади.

— Жамғарманинг вилоят, шаҳар, туман бўлимларига жамғарма олдида турган мақсад-вазифаларни чуқур тушуниб етмаган, фаоллик ва ташаббускорлик, фидоийлик фазилати етарли бўлмаган кишиларни ишга қабул қилиш ҳолларига йўл қўйилаётгани йиғилишда танқид қилинган эди...

— Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолияти самарадорлигини ошириш, унинг минтақавий бўлимларига юкланган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг минтақавий бўлимлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги 335-сонли қарори қабул қилинди. Унга кўра, 2003 йил 1 июлидан бошлаб жамғарманинг минтақавий бўлимлари штатларига (ҳар бир туман, вилоятга бўйсунувчи шаҳар, Тошкент шаҳридаги туманлар учун бир нафардан) вакил лавозими жорий қилинди.

Республикада мавжуд 209 та туман ва шаҳарларда ўз ишини биладиган жонкуяр кадрлар танлаб олинди ва суҳбат асосида лавозимларига тайинланди.

—Йиғилишда давлатимиз раҳбари мактабларимизда жисмоний тарбия дарси ҳафтасига икки соатни ташкил этиши, қишлоқ мактабларида эса қиш мавсумида бу дарслар ҳам тўлиқ ўтилмаслиги танқид қилиниб, алоқадор вазирликлар зиммасига ушбу масалани кўриб чиқишни юклаган эди.

Хўш, бу борада Халқ таълими вазирлиги томонидан қайси ишлар амалга оширилди?

Акмал БОБОЖОНОВ, Халқ таълими вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари:

— Вазирлар Маҳкамасининг «Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 1999 йил 16 августдан 390-сонли қарорига асосан умумий ўрта таълим мактабларида жисмоний тарбия дарслари ҳафтасига 2 соат қилиб белгиланган.

Республикамизда сўнгги йилларда ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмонан баркамол бўлиб вояга етишишларига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишларини янада яхшилаш учун кўпгина ишлар амалга оширилаётганлиги боис Халқ таълими вазирлиги умумий ўрта таълим мактабларида жисмоний тарбия дарслари ҳафталик соатларини ошириш имкониятларини қидирмоқда.

Шу мақсадда янги 2003-2004 ўқув йилидан барча умумий ўрта таълим мактабларида жисмоний тарбия фани ўқув соатлари мактаб компаненти ҳисобидан ҳафтасига:

— 5-7 синфларда 0,5 соатга (йиллик 17 соатга);

— 8-9 синфларда 0,5 соатга (йиллик 17 соатга);

— 10-11 синфларда 1 соатга (йиллик 34 соатга) кўпайтирилди.

— Жисмоний тарбия дарсига оид ўқув дарсликлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари тайёрлаш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида маълумот берсангиз.

— Республика Таълим маркази илмий методик кенгашининг 2003 йил 18 апрелдаги қарорига асосан 5-6 синфлар учун «Жисмоний тарбия» дарслиги, муаллифлар Т.С.Усмонхўжаев, С.Г.Арзуманов, 5-9-синфлар учун «Жисмоний тарбия» методик қўлланмаси муаллифлар С.Г.Арзуманов, Т.В.Москалева, М.М.Раҳимов;

— илмий методик кенгашнинг 2003 йил 30 июндаги қарорига асосан 1-синфлар учун жисмоний тарбия алифбоси дарслиги (муаллифлар К.Маҳкамжонов, Ф.Ходжаев), 2-синф учун «Саломатлик йўли» дарслиги (муаллифлар К.Маҳкамжонов, Ф.Ходжаев), 3-4-синфлар учун «Саломатлик йўли» дарслиги, (муаллифлар К.Маҳкамжонов, Ф.Ходжаев), 7-8-синфлар учун «Жисмоний тарбия» дарслиги, (муаллифлар Т.Усмонходжаев, С.Арзуманов) тасдиқланди ва нашр этиш учун тавсия этилди.

9-синфлар учун тайёрланаётган «Жисмоний тарбия» дарслиги (муаллифлар Т.Усмонхўжаев, С.Арзуманов) ҳозирги кунда муаллифлар ишчи гуруҳи томонидан илмий методик кенгашда кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, сўнгра нашрга тавсия этиш учун ишланмоқда.

Ушбу дарслик ва қўлланмаларни «Ўқитувчи» ва «Ўзбекистон» нашриётларида чоп этиш учун шартномалар тузилган ва улар яқин кунларда босқичма-босқич нашрдан чиқарилади.

Аъзамжон ГАДОЙБОЕВ, «Маҳалла жамғармаси республика бошқаруви раиси:

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июль 242-сон қарорининг 9-бандига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида маҳалла спорт мажмуалари қурилиши ва мавжудларининг таъмирланиши белгиланган эди. Ушбу банд ижроси юзасидан «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви ҳудудлардаги маҳалла фуқаролар йиғинлари сонига қараб ҳамда вилоят бўлинмаларидан олинган ахборотларга таяниб, жойларда 2002-2005 йилларга белгиланган маҳалла спорт мажмуалари қурилиши бўйича махсус режа ишлаб чиқди ва маҳаллий ҳокимликларга тақдим этди.

Режага биноан 2003 йилнинг 9 ойи давомида жами 900 та маҳалла спорт мажмуаси қурилиши режалаштирилган эди. Жойларда ҳокимликлар, маҳалла фуқаролар йиғинлари ва алоҳида ҳомий ташкилот ва тадбиркорлар кўмагида ҳашар йўли билан ўтган 6 ой мобайнида 622 та маҳалла спорт мажмуаларини қуриб битирилди ва яна юздан ортиқ мавжуд спорт мажмуалари таъмирлаб қайта ишга туширилди.

«Маҳалла» жамғармасининг ташаббусига кўра, бир қатор вазирликлар, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда мактаб ўқувчиларининг ёзги таътил кунларини унумли ўтказиш, уларнинг турли оқимлар таъсирига кириб қолишлари олдини олиш ҳамда соғлом бўлиб вояга етишлари мақсадида ҳар йили маҳаллалараро анъанавий «Футболимиз келажаги» турнири ўтказиб келинмоқда. Жорий йил натижаларига кўра ушбу турнирда жами 1 млн. 500 минг нафар ёш қамраб олинди. Сентябрь ойида ушбу турнирларнинг финал босқич мусобақалари ўтказилди.

Шунингдек, яна бир қатор оммавий спорт турларини ривожлантириш, уларни маҳалла аҳли ўртасида тарғиб қилиш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Булар қаторига «Маҳалламиз паҳлавонлари», миллий ва белбоғли кураш турнирлари, баскетбол, шахмат-шашка мусобақаларини келтириб ўтиш керак.

— Йиғилишда «Соғлом оила» мусобақаларини ўтказиш тўғрисида мусобақа Низоми тайёрланиши таъкидланган эди...

— «Маҳалла» жамғармаси ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлаган ҳолда жорий йилдан эътиборан маҳаллаларда «Соғлом оила» шиори остида оилавий спорт мусобақалари ўтказилиши бўйича бир қатор вазирлик, идора ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда қўшма қарор қабул қилиб, мусобақаларни ўтказиш низомини ишлаб чиқди.

Унга кўра, тўрт босқичда мусобақалар уюштирилиб, сўнгги босқич республика турнирига барча вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида ғолибликни қўлга киритган оилавий жамоалар йўлланма олдилар. Республика босқич турнири жорий йил 19-20 июль кунлари Тошкент шаҳридаги «Жар» спорт мажмуида юқори савияда ўтказилиб, унда Қашқадарё вилояти Муборак тумани «Машъал» маҳалласида яшовчи Ёмғировлар оиласи ғолиб чиқди. Турнир оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиб борилди. Сўнгги натижаларга кўра «Соғлом оила» оилавий спорт мусобақаларида жами 50 000 дан ортиқ оила иштирок этди.

— Мавжуд спорт иншоотларини инвентаризация қилиш ва улардан унумли фойдаланишни борасида қўмита томонидан қайси юмушлар амалга оширилди?

Комилжон ЮСУПОВ, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси:

— Ўзбекистон Бош Вазирининг биринчи ўринбосари бошчилигида спорт иншоотларини инвентаризация қилиш ишчи гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди. Бу йиғилишда бир қатор қўмита, вазирликлар, нодавлат ташкилотлар раҳбарларига республикадаги мавжуд спорт иншоотларини инвентаризация қилиш вазифаси юклатилди. Бизнинг қўмитамизга Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари спорт иншоотларини инвентаризация қилиш топширилди. Бажарилган ишлар бўйича ҳисобот Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига тақдим қилинди.

Ҳозирги кунда қўмита томонидан спорт иншоотларидан унумли фойдаланиш бўйича норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда ва яқин орада давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг амалда қўлланилади.

— Болалар спорт иншоотларини малакали спорт мураббийлари билан таъминлаш борасида қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда?

— Болалар жамғармаси билан ҳамкорликда болалар спорт иншоотларини малакали мураббийлар билан таъминлаш дастури лойиҳаси тузилиб, унда қуйидаги тадбирлар режалаштирилган ва бажарилмоқда:

— ЎзДЖТИга талабалар қабул қилиш режасини 700 нафарга етказиш ҳамда жисмоний тарбия факультетлари мавжуд институтлар қабул режасини икки баробар кўпайтириш;

— Ўрта ва олий педагогика ўқув муассасаларида жисмоний тарбия ва спорт бўйича педагог-мураббий иккинчи ихтисослиги бўйича ўргатишни киритиш;

— Жисмоний тарбия ўқитувчиларининг дарсдан ташқари машғулотлар учун меҳнатга соатбай усулида ҳақ тўлашни кўриб чиқиш;

— Олимпия ўринбосарлари коллежлари иш самарадорлигини ошириш мақсадида вилоятлардаги Олимпия ўринбосарлари республика коллежлари учун ажратиладиган давлат бюджети маблағларини сақлаб қолган ҳолда Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси тизимига ўтказишни кўриб чиқиш;

— Мактаб ўқувчилари, коллежлар ва лицейлар талабалари саломатлиги ва жисмоний тайёргарлиги яхшилангани учун педагогика жамоалари, шунингдек жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни рағбатлантиришни йўлга қўйиш;

— болалар мураббийлар ва педагог ташкилотчилар малакасини ошириш бўйича 100 соатга мўлжалланган курсларни ҳар ойда ташкил этиш;

— спорт иншоотлари директорлари ва директор ўринбосарлари малакасини ошириш бўйича 90 соатга мўлжалланган курслар ташкил этиш;

— БЎСМ мураббийларига қайси идорага тегишлигидан қатъий назар ўқув-машқ машғулотларини ўтказиш имкониятини яратиш;

— олий ўқув юртлари ва Олимпия ўринбосарлари коллежларининг катта курс талабаларини спорт иншоотларида мураббийлик амалиётига жалб этиш;

— спорт иншоотларида болалар мураббийларининг семинарларини ташкил этиш ва мунтазам ўтказиш...

Қисқача айтганда, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси зиммасига юклатилган вазифалар режа асосида бажарилмоқда. Болалар спортини ривожлантириш — энг асосий вазифаларимиздан бири ҳисобланади.

Хурсандбек АРАББОЕВ олган сурат.

Балиқчи туманидаги хусусий «Мадина — 97» кўп тармоқли фирмаси маҳаллий тикувчи ва усталар томонидан тайёрланаётган сифатли спорт анжомлари ва кийимлари рақобатбардошлиги, хорижникидан қолишмаслиги ҳамда арзонлиги билан мижозларга маъқул тушмоқда.

Маълумотлардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш йўлида жиддий ишлар қилиняпти. Лекин, булар катта эзгу ният йўлидаги дастлабки қадамлар ҳисобланади. Олдинда эса қилинажак юмушлар кўп. Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари энг аввало уларнинг саломатлигига боғлиқ албатта.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг мажлисида юртбошимиз шундай деган эди:

«Болаларимиз соғлом бўлса, миллатимиз бақувват бўлса, ҳаёт синовлари ва қийинчиликлардан қўрқмайдиган, иродаси мустаҳкам бўлса, энг муҳими шу».

Муҳаммаджон АҲМЕДОВ тайёрлади.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 26-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Ilhom KAROMOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar
Ikromjon ISMOILOV
Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo`mitasida 00004-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 961

7662 nusxada bosildi

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.45
2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA